

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ҳ У К М

2019 йил 28 январь

Элликқалъа тумани

Жиноят ишлари бўйича Элликқалъа туман суди таркибида – раислик этувчи ушбу суд раиси О.Ж.Мауленов, судья ёрдамчиси А.Абдуллаевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Элликқалъа туман прокурори ёрдамчиси вазифасида иш ўрганувчи А.Узақбаев, судланувчи [REDACTED], жабрланувчи [REDACTED] ва фуқаровий даъвогар [REDACTED]нинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Элликқалъа туман суди биносида очик суд мажлисида, дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган судланувчи [REDACTED]га оид 1-2316-1801/175-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

[REDACTED] – [REDACTED] йилда Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманида туғилган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, миллати туркман, маълумоти ўрта, оилали, вақтинча ишсиз, муқаддам Россия Федерацияси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан ва ЖИБ Элликқалъа туман судининг 21.06.2017 йилги ҳукми билан ЖКнинг 171-моддаси 1-қисми билан 20% давлатга ушлаш билан 2 йил АТИ жазосига судланган ушбу жазонинг уталмаган муддати 1 йил 10 ой 26 кун, Элликқалъа тумани Бўстон шаҳри Қ.Нуриμβетов кўчаси [REDACTED] яшайди, 2017 йил 23-декабрь кунидан қамоқ эҳтиёт чораси қўлланилган, 2018 йил 9 декабрь кунини ушланган, айблов далолатнома нусхасини қонуний муддатда олган.

Суд - суд мажлисида судланувчининг, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарнинг ва тарафларнинг музокара сўзларини ва судланувчининг ҳимоя ва охирги сўзларини тинглаб, иш бўйича тўпланган ҳужжатлар билан солиштириб, далилларни текшириб чиқиб, қуйидагиларни,

а н и қ л а д и :

Суд мажлисида аниқланган ҳолатларга кўра, [REDACTED] [REDACTED] 2017 йил 03 ноябрь кунини соат 16:00да Элликқалъа тумани Ўзбекистон кўчасида жойлашган сарторашхона биноси олдида турган [REDACTED] тегишли бўлган баҳоси 250.000 сўм бўлган АИСТ русумли велосипедини яширин равишда қўлга киритиб, Беруний тумани бозорига олиб бориб [REDACTED] ўғирлик эканлигини айтмасдан 200.000 сўмга сотиб юбориб ўғирлик йўли билан талон-торож қилган.

■ юқоридаги жиноий ҳаракатлари билан ўғирлик, яъни ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-тарож қилишда ифодаланган Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир қилган.

Суд мажлисида судланувчи ■ ўзига нисбатан эълон қилинган айбга тўлиқ иқроп бўлиб, 2017 йил 3 ноябрь куни соат 15:30да Эллиққалъа туман Ўзбекистон кўчасида жойлашган сарторошхона ташқарисида турган ўзига олдиндан таниш бўлган ■ тегишли бўлган велосипедни ҳеч ким йўқлигида ўғирлаб олганини ва Беруний туманига олиб бориб сотганини, ўзи қилган қилмишидан виждони қийналиб ўтирганини, бундан олдин ҳам бир неча марта судланганлигини, лекин тўрт нафар фарзандлари учун яна бир марта имконият беришни, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогардан кечирим сўрашини билдириб кўрсатма берди.

Судланувчи ■нинг айби унинг айбга иқроп бўлиб берган кўрсатмаларидан ташқари, иш бўйича тўпланган қуйидаги далиллар йиғиндиси билан, яъни:

жабрланувчи ■ Бўстон шаҳри Ўзбекистон кўчасида жойлашган сарторошхонада ишлашини, 2017 йил 3 ноябрь куни соат 16:00да ■ икки марта сарторошхона атрофида юрганини ойнадан кўрганини, лекин унинг ўғирлик қилишини билмаганини ташқаридан бир айланиб келганида ташқарида турган велосипеди йўқолганлигини билганини, кейин ички ишлар бўлимига хабар берганини уларга бўлган воқеани айтиб берганидан кейин велосипедни топиб берганини бугинги кунда велосипедни қайтариб олганини ■га нисбатан даъвоси йўқлигини уни кечирганини билдирган кўрсатмаси;

иш бўйича фуқаровий даъвогар тариқасида сўроқ қилинган ■ Беруний туман ҳафта бозорида ўзига олдиндан нотаниш бўлган одам велосипед ушлаб турганини кўрганини, ундан велосипедни қанчага сотишини сўраганида 300.000 сўмга сотишини айтганини, кейин 200.000 сўм пулни бериб қолганини кейин беришга келишилиб велосипедни сотиб олиб қолганини кейин шу куни ички ишлар бўлими ходимлари келиб велосипедни олиб кетганини, ушбу велосипеднинг ўғирлик эканлигини билмаганлигини, ■дан 200.000 сўм пул ундириб берилса даъвоси йўқлигини, унга кечирим беришини билдирган кўрсатмаси;

шунингдек, 2017 йил 7 ноябрь куни Эллиққалъа туман ИИБдан руйхатдан ўтган жабрланувчи ■ ўзига тегишли велосипедни топишда ёрдам сўраб ёзган аризаси (ж/и 2в), 2017 йил 7 ноябрь кунги ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, чизмаси ва фото суратлари (ж/и 3-7в), 2017 йил 6 ноябрь кунги ашёвий далилни олиш ҳақидаги баённома (ж/и13в), 2018 йил 9 декабрь айбланувчининг кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси ва фото суратлари (ж/и 93-99в) шунингдек, иш бўйича бошқада ҳужжатлар йиғиндиси билан тўлиқ тасдиқланади ва юқорида келтирилган далиллар дастлабки тергов органи томонидан процессуал қонун нормаларига асосан олинганлиги ва ушбу далиллар суд мажлисида ўз

тасдиғини топганлиги сабабли ярқли далиллар деб ҳисоблашни суд лозим топади.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи [REDACTED]нинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан туғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисмида ўғирлик, яъни ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-тарож қилганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Судда аниқланган ҳолатларга кўра судланувчи [REDACTED] 2017 йил 17 сентябрь куни соат 16:00да Эллиққалъа тумани Ўзбекистон кўчасида жойлашган сарторощона биноси олдида турган [REDACTED] Атахановичга тегишли бўлган баҳоси 250.000 сўм бўлган АИСТ русумли велосипедини яширин равишда қўлга киритиб, Беруний тумани бозорида [REDACTED] ўғирлик эканлигини айтмасдан 200.000 сўмга сотиб юбориб ўғирлик йўли билан талон-торож қилган. Мазкур ҳолат судланувчининг ўз кўрсатмаси ва ишдаги барча ҳужжатлар йиғиндиси билан тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасига мувофиқ мамлакат иқтисодиётининг негизини турли шаклдаги мулк ташкил этади. Мулк мутлоқ дахлсиз ҳисобланади ва давлат томонидан қўриқланади, унга нисбатан ҳар қандай тажовуз қонунга зид деб топилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ўзгалар мулкани ўғирлик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисидаги 1999 йил 30 апрелдаги 6-сонли қарорининг 1-бандида жабрланувчининг ёки бошқаларнинг йўқлигида ёки улар бор бўлса-да, уларга билдирмасдан ўзганинг мол-мулкани яширин талон-торож қилиш ўғирлик ҳисобланади, бундай қилмишни ўғирлик деб тавсифлаш лозим.

Суд, юқоридаги Олий суд Пленум қарорларидаги раҳбарий тушинтиришларига амал қилиб, судланувчи [REDACTED]га жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилиб, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, судланувчининг шахсини ҳисобга олиб, унинг қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, жабрланувчининг кечирим берганлигини, жазосини енгиллаштирувчи ва жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб эътиборга олиб, унинг илгари ҳам қасддан жиноят содир қилганидан кейин қасддан яна жиноят содир қилганлигини жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, ўғирланган мулкнинг қийматини ҳамда содир этиш усули, унга имкон берган шароитларни инобатга олиб унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин деган хулосага келиб, модда санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни, унга нисбатан қўлланилган қамоқ эҳтиёт чорасини бекор қилишни ва дарҳол суд залидан озод қилишни, фуқаровий даъвогар фойдасига моддий зарарни судланувчидан ундиришни ва жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарга ўзларига нисбатан етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарлари бўлган тақдирда бу бўйича фуқаролик ҳуқуқий тартибда изланишга ҳақли эканлигини

тушинтиришни шунингдек, мазкур жиноятнинг келиб чиқиш сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш, келгусида жиноятчиликнинг келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 298-моддасига асос хусусий ажрим чиқаришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-460, 465, 472-моддаларига амал қилиб, суд

ҳ у к м э т д и :

_____ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан, ҳар ойда ойлик иш ҳақисининг 20% давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайнланган жазога жиноят ишлари бўйича Эллиққалъа туман судининг 2017 йил 21 июнь кунги ҳукми билан ЖКнинг 171-моддаси 1-қисмига асос ҳар ойда ойлик иш ҳақининг 20% давлат даромади ҳисобига ушлаш билан 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг уталмаган 1 йил 10 ой 26 кун муддатини қисман қушиш билан, ЖКнинг 60-моддаси тартибида узил кесил ҳар ойда ойлик иш ҳақисининг 20% давлат даромадига ушлаш билан 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайнлансин.

_____ тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ушбу жазони назорат қилувчи орган томонидан белгиланган жойда утасин, жазо уташ муддати _____ белгиланган иш жойига бориб ишлаб бошлаган кундан ҳисоблансин.

_____га қўлланилган қамоқ эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва суд залидан дарҳол қамокдан озод қилинсин.

ЖКнинг 62-моддаси тартибида _____нинг 2018 йил 9 декабрь кундан 2019 йил 28 январь кунигача дастлабки қамоқ вақти тайнланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан чегирилсин.

Иш бўйича фуқаролик даъвогар _____нинг фойдасига 200.000 сўм моддий зарар судланувчи _____дан ўндирилсин.

Манфаатдор тарафларга ўзларига етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарлари бўлган тақдирда, бу бўйича фуқаролик ҳуқуқий тартибда изланиш ҳуқуқи борлиги ҳақида тушунтирилсин.

Ҳукмга норози булган судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб 10 сутка ичида, иш бўйича бошқа тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб уша муддат ичида шу суд орқали Қорақолпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича судига апелляция тартибидаги ариза, прокурор протест келтиришга ёки ҳукм қонуний кучга киргандан кейин кассация тартибида ариза, прокурор протест келтиришга ҳақли.

Раислик этувчи:

О.Ж.Мауленов